

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

305 Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ–410-сон Қонунини амалга ошириш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ривожланиши учун шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

бир ой муддатда ўзининг расмий веб-сайтида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг фаолияти масалаларига бағишланган, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати жойлаштирилган ҳамда улар доимий равишда янгиланиб бориладиган бўлим очсин;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг тушунтирилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор у расман эълон қилингандан кейин уч ой муддат ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 апрель,
246-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар
бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини
ташқил этиш ва уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бозорнинг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташқил этиш тартибини, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташқил этишга қўйиладиган талабларни, шунингдек уларнинг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар.

меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати — ташкилотнинг тузилмасидаги мустақил бўлим бўлиб, белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш

талабларига риоя этиш ва ташкил қилиниши, уларнинг бажарилишини назорат қилади.

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси — иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси меҳнат шароитларининг, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жихатидан хавфлилигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омилини ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар тизими;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида билим ва кўникмаларни, касбий билимларни тизимли равишда янгилаб бориш ва чуқурлаштириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш учун зарурий ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллаш;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити (кейинги ўринларда меҳнатни муҳофаза қилиш аудити деб аталади):

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш сифатини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, унинг даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самардорлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш.

ишлаб чиқариш омили — ходимга меҳнат жараёнида таъсир этувчи кимёвий, биологик, жисмоний ва ижтимоий омиллар йиғиндиси.

3. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби ва уларнинг ягона реестрини юритиш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Назорат қилиш ҳамда манфаатлар ўртасида низолар келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа вазифаларни амалга оширувчи ташкилотларга, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар кўрсатишга йўл қўйилмайди.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари:

ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат вазифасини амалга ошириши;

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаши;

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аудит ўтказиши мумкин.

2-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ва уларнинг кўрсатадиган хизматларига талаблар

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига белгиланадиган талаблар қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

ташкilotларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматларни ташкил этиш бўйича ваколатга эгалигини тасдиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматларни ташкил этувчи ташкilotларнинг ваколатини, шу жумладан уларда мавжуд бўлган зарур моддий-техника базасини тасдиқлаш;

манфаатдор шахслар — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматдан фойдаланувчилар олдида ташкilotлар жавобгарлигининг кафолатларини таъминлаш.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўз фаолиятини амалга ошириши учун қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профессионал хизмат кўрсатувчи ташкilotнинг бевосита хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малакавий сертификатига эга бўлиши керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профессионал хизмат кўрсатувчи ташкilot раҳбаридан сертификат талаб этилмайди;

ташкilot штатида меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисининг малакавий сертификатига эга бўлган ходимлар сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак;

ташкilot рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан белгиланадиган ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар базасига эга бўлиши керак.

7. Меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг малакали иштирокчилари ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган умумий талабларга қўшимча равишда ўз эгалигида, хўжалик юритуви

ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа қонуний асосда қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитацияланган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчашга мўлжалланган лабораторияга (кейинги ўринларда аккредитацияланган синов лабораторияси деб аталади) эга бўлишлари керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профессионал хизмат кўрсатувчиларнинг аккредитацияланган синов лабораторияси раҳбари фақат меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисининг малакавий сертификатига эга шахс бўлиши мумкин.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари бўйича хизмат кўрсатувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган умумий талабларга қўшимча равишда:

ташкилотда штат асосида ишловчи ўқитувчиларнинг умумий сонининг 30 фоиздан кам бўлмаган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисининг малакавий сертификатига эга бўлган ўқитувчилар билан тўлдирилишини таъминлаши;

давлат таълим муассасалари учун — тегишли таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши;

нодавлат таълим муассасалари учун — нодавлат таълим муассасаларининг тегишли фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши;

тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқланган ўқув-тематик режалар ва ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим жараёнини амалга ошириши керак.

9. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ва ташкилот-бюртмачига нисбатан меҳнат муҳофазасининг аудити бўйича хизмат кўрсатувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари тармоқ, идоравий ва молиявий мустақилликка эга бўлиши керак.

10. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ва меҳнат муҳофазасининг аудити меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг малакали иштирокчилари томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин эмас:

ваколатли шахслари бюртмачининг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки раҳбарлари, шунингдек бюртмачининг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки раҳбарлари билан қариндош бўлса;

ушбу ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифасини амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатувчи бўлса;

бюртмачи билан умумий таъсисчига эга бўлса.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профессионал хизмат кўрсатувчи ташкилотга суғурта хизмати кўрсатувчи ташкилотда меҳнат шароитлари

бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказишга, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича аудит ўтказишга йўл қўйилмайди.

**3-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар
бозорининг профессионал иштирокчиларининг ягона
реестрини юритиш тартиби**

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрига (кейинги ўринларда Ягона реестр деб аталади) киритилган бўлиши керак.

12. Ягона реестр меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган ахборот банки ҳисобланади.

13. Ягона реестрни юритиш Ваколатли орган томонидан таъминланади.

14. Ягона реестрни юритиш қўйидагиларни назарда тутати:

Ахборотлар базасига мазкур Низомга 2-иловада назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақидаги маълумотни ахборотлари базасига киритиб, ўз реестр рақамини бериш;

ташкilotлар ҳақидаги маълумотларни вақти-вақти билан янгилаш ёки уларни Ягона реестрдан чиқариш.

15. Ягона реестр электрон ва қоғоз манбаларда юритилади.

16. Ягона реестр ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар турлари бўйича шакллантирилади.

17. Ягона реестрдаги маълумотлар очик ва ҳамма учун тушунарли ва ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим.

18. Мазкур Низомда назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига қўйиладиган талабларга жавоб берувчи ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар кўрсатмоқчи бўлган ташкilot (кейинги ўринларда аризачи деб аталади) ваколатли органга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича Ягона реестрга киритиш тўғрисида ариза тақдим этади.

Ариза ташкilot бланкасида тўлдирилади, ташкilot раҳбари томонидан имзоланади ва ташкilot муҳри билан (муҳр мавжуд бўлса) тасдиқланади.

19. Аризага қўйидагиларнинг нусхаси илова қилинади:

аризачининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномаси;

аризачи ходимларининг малакавий сертификати;

лабораториянинг аккредитацияси бўйича хужжатлар (лаборатория мавжуд бўлганда);

меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив хужжатларнинг ахборотлар базаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Ишончсиз ва нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун ташкilot раҳбари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

20. Меҳнат муҳофаза соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатмоқчи бўлган аризачилар Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари аризага қўйидагиларни илова қилади:

таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

таълим дастурларининг нусхаси;

таълим берувчи ташкилотнинг кадрлар таркиби ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан таълим берувчи ташкилотда штат асосида ишловчи ўқитувчиларнинг умумий сонидан 30 фоиздан кам бўлмаган ҳолда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиснинг малакавий сертификатига эга бўлган ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар;

таълим беришнинг техник воситалари ҳақидаги маълумотлар.

21. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат шароитлари бўйича аттестация хизматлари кўрсатмоқчи бўлган аризачи Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари аризага аккредитацияланган аттестация лабораторияси ва унинг раҳбарлари ҳақидаги маълумотларни илова қилади.

22. Низомнинг 19 — 21-бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни аризачидан талаб қилишга йўл қўйилмайди.

23. Ариза ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатлар нусхалари билан бирга ваколатли органга аризачи томонидан тақдим этилади ёки юборилаётган ҳужжатлар рўйхати билан почта орқали юборилади.

Ҳужжатлар шунингдек электрон шаклда юборилиши мумкин. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади.

24. Ваколатли орган аризани қабул қилган кундан бошлаб 5 иш куни давомида келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқади.

Аризачи ушбу Низомда белгиланган талабларга жавоб берса меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларига ушбу Низомнинг 4-иловасидаги шакл бўйича Ягона реестрга киритиш ҳақидаги гувоҳнома берилиши таъминланади ва уларга реестр рақами берилади.

25. Аризачи ушбу Низомда назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларига талабларга номувофик бўлса ваколатли орган аризани қабул қилган кундан бошлаб 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда Ягона реестрга аризачини киритиш имкони йўқлигини ҳамда аниқ қайси талабларга аризачи жавоб бермаслигини кўрсатган ва аризачи камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни қайта тақдим этиш муддатларини кўрсатиб ёзма равишда хабарнома юборади.

26. Аризачи рад этиш сабабларини бартараф этиши ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат Ягона реестрга киритилиши мумкин эмаслиги тўғрисида ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳужжатларни қайта кўриб чиқишда аризачига аввал ёзма шаклда кел-

тирилмаган рад этиш сабаблари келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабабларни бартараф этишни тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари бундан мустасно.

27. Ягона реестрга киритиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ўтгач аризачи томонидан берилган ариза янги тақдим этилган, деб ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

28. Ягона реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва гувоҳнома бериш учун тўлов ундирилмайди.

29. Ягона реестрга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари 7 иш куни мобайнида ваколатли органга ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни илова қилган ҳолда хабар беришлари шарт.

Хужжатлар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Хужжатни қайта расмийлаштириш ва гувоҳнома бериш тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ваколатли орган томонидан беш кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ваколатли орган гувоҳнома берилган кундан эътиборан 3 иш куни мобайнида Ягона реестрга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади.

30. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари қўйидаги ҳолатларда Ягона реестрдан чиқарилади:

улар томонидан ушбу Низомнинг 5-иловасига асосан Ягона реестрдан ихтиёрий равишда чиқариш тўғрисидаги ариза берилганда;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиси — ташкилот тугатилганда;

ушбу Низомда кўзда тутилган талабларни мунтазам бузиш ҳолатлари мониторинг қилиш чоғида аниқланганда.

Ташкилот Ягона реестрдан чиқарилганда ваколатли орган Ягона реестрга ёзувлар киритади ва ушбу маълумотни ўзининг расмий сайтига жойлаштиради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан мониторинг чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этишда у Ягона реестрга киритиш бўйича қайта ариза бериши мумкин.

31. Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқолганда аризачининг аризасига биноан гувоҳноманинг дубликати берилади.

32. Ваколатли орган аризани, гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда эса — унинг асл нусхасини олган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда гувоҳноманинг дубликатини бериши шарт.

33. Гувоҳномани қайта расмийлаштириш бўйича аризани кўриб чиқиш ва дубликат бериш учун тўловлар амалга оширилмайди.

4-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан талабларга риоя этилиши мониторинги

34. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг фаолияти ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

35. Мониторинг ўтказиш мақсади:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича техник бошқариш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат сифатига таъсир этиши мумкин бўлган бузилишлар фактларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг (уларнинг мутахассисларининг) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатига таъсир этувчи салбий ҳулқ-атворини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг мансабдор шахслари томонидан лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларда назарда тутилган талаблар ва қоидаларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш;

Ягона реестрга киритилган, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш.

36. Мониторинг ўтказиш йўналишлари:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар буюртмачиларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширадиган хизматлари сифати юзасидан анкета сўровларини шакллантириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг амалга оширилган ишлари тўғрисидаги маълумотлари ва ҳисоботларини танлов асосида жойларга бориб ўрганиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш;

Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда ваколатли орган томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиси номига аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш муддатлари тўғрисида кўрсатма юборилади.

37. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессио-

нал иштирокчиларининг хизмат кўрсатиш турлари бўйича мониторинг якунларига асосан рейтинги ваколатли орган томонидан ҳар йили расмий веб-сайтда чоп этилади. Рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш учун мустақил аудит ташкилотлари жалб этилиши мумкин.

38. Ваколатли орган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини ва мазкур Низомда белгиланган талабларнинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларидан ўз ваколатлари бажарилишини таъминлаш мақсадида зарур маълумотларни талаб қилиш ва қабул қилиб олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш;

давлат экспертизасини ўтказишда танлов асосида ҳақиқатдаги меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан ўтказилган иш ўринлари аттестацияси натижалари билан солиштириб кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Ваколатли орган ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбуриятлари

39. Ваколатли орган қуйидагиларга мажбур:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари ходимларининг билим ва малакасини оширишга ёрдам берадиган профилактик ва тушунтириш ишларини, мастер-класслар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ўтказишни ташкиллаштириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар ҳақида хабардор қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

40. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари қуйидагиларга мажбур:

фаолиятини «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматларни бажаришда маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишда ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни аудитида манфаатсизликни таъминлаш;

кўрсатилган хизматлар натижалари бўйича ташкилотларга ишончли маълумотларни тақдим этиш.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

41. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари фаолияти юзасидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги
хизматлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг
профессионал иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	Қуйидаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига мурожаат қилиш: 1. Аризачининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси; 2. Аризачи ишчилари малака сертификатининг нусхаси; 3. Лаборатория аккредитацияланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (лаборатория мавжуд бўлганда); 4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ёрдамчи маълумотлар базаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.	Аризачи хоҳишига кўра
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги	Тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш натижасига кўра: 1) Аризачи Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда — Ягона реестрга маълумотлар киритади; 2) Аризачи Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда — аризачига Ягона реестрга киритиш имкони йўқлиги тўғрисида хабарнома юборади.	Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги	Аризачига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ягона реестрига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани юборади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини мониторинг қилади.	Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида доимий
4-босқич	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хиз- матлар бозори- нинг профес- сионал ишти- рокчиси	«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига асосан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизмат кўрсатади (Ягона реестрга киритилганлиги тўғрисида олинган Гувоҳномага мувофиқ)	Аризалар тушишига кўра

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги
хизматлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар
бозорининг профессионал иштирокчилари
ягона реестрига киритиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профес-
сионал иштирокчисининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий
шакли.
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профес-
сионал иштирокчисининг почта манзили (жойлашган жойи).
3. Солиқ тўловчининг Идентификация рақами.
4. Аризачининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малакали мутахас-
сис сертификатига эга бўлган ходимлари ҳақида маълумот.
5. Аккредитация қилинган лаборатория ҳақида маълумот (лаборатория
бўлганда).
6. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат(лар) тур(лар)и.
7. Берилган реестр рақами.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги
хизматлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар
бозорининг профессионал иштирокчилари
ягона реестрига киритиш учун
АРИЗА**

20____ йил ____ _____

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида _____
(меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар турларини кўрсатиш)

турлари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилот сифатида _____

(ташкилотнинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли)

ни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессио-
нал иштирокчилари ягона реестрига киритишингизни сўрайман.

Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозо-
рининг профессионал иштирокчиларига белгиланган талабларга мувофиқ
эканлигини тасдиқлаймиз.

Ташкилотнинг почта манзили (жойлашган ўрни):

(почта индекси ва манзили тўлиқ кўрсатилади)

Солиқ тўловчининг Идентификация рақами: _____

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____

Раҳбар _____
(Ф.И.О., имзо)

М.Ў. (мавжуд бўлса)

20____ йил ____ _____

17 (777)-сон

— 201 —

305-модда

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги
хизматлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ягона реестрига киритилганлиги тўғрисида ГУВОҲНОМА

Серияси _____ № _____

Берилди _____ га
(аризачининг тўлиқ номи)

(аризачининг жойлашган жойи (почта адреси))

шу ҳақдаки, унинг 20____ йил ____ _____ -сон аризасига биноан
ташкилот _____
(меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар турлари кўрсатилади)

турлари бўйича Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори-
нинг профессионал иштирокчилари ягона реестрига киритилди.

Ташкилотга _____ реестр рақами берилди.

Берилган вақти 20____ йил «____» _____

Вазир ўринбосари _____ М.Ў. _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги
хизматлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари фаолиятини ташкил этиш ва
уларнинг ягона реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

АРИЗА

Қуйидаги сабабларга кўра _____
(Ягона реестрдан чиқаришни асослайдиган ҳолатлар ҳужжат билан тасдиқланиши лозим)

_____ рақами билан Ягона реестрга киритилган _____

(аризачининг — ташкилотнинг тўлиқ номи), (жойлашган жойи (почта манзили))

ни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг професси-
онал иштирокчилари ягона реестридан чиқаришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____

Раҳбар _____
(Ф.И.О., имзо)

М.Ў. (мавжуд бўлса)

20____ йил «____» _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Меҳнатни муҳофаза қилиш» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавф-сизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими — маълум бир иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини белгиловчи, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатувчи элементлар комплекси ҳамда ушбу мақсадларга эришиш тартиби;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити (кейинги ўринларда меҳнатни муҳофаза қилиш аудити деб аталади) — меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини баҳолаш иш берувчининг қарорига биноан ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаши сифатини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар.

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити мезонлари — аудит маълумотлари, меҳнатни муҳофаза қилиш сиёсати ва тартиби ҳамда чора-тадбирлари билан солиштирилادиган таҳлилий маълумотлар;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказишда мустақиллик — текшириладиган субъектга нисбатан молиявий, мулкӣ, қариндошлик ёки бошқа манфаатларсиз меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари билан таъминлаш тамойили.

3. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудитни ўтказиш иш берувчининг қарори билан мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда жамоа келишувларига, шартномаларига ва бошқа локал талабларига меъёрий ҳужжатларнинг мувофиқлигини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими фаолият юритишини сифати, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг даражасини камайтириш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, ишлаб чиқаришдаги жа-

роҳатланишлар ва касб касалликларининг уларнинг олдини олишга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари Ягона реестрига «меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш» хизмат тури бўйича киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказилган ва унинг натижалари кўра аниқланган барча камчиликлар бартараф этилган (ёки камчиликлар аниқланмаган) ташкилотлар, кейинги уч йил мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ташкилотларда ўтказиладиган режали текширишлар рўйхатига киритилмайди.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш мустақиллик, холислик, касбий маҳорат ва махфийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

7. Текширилаётган ташкилот қўйидагиларга мажбур:

аудитор ташкилотига меҳнатни муҳофаза қилиш аудитининг ўз вақтида ва тўлақонли ўтказилиши учун кўмаклашиш, зарур маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, аудитор ташкилотининг сўровларига асосан оғзаки ва ёзма шаклда аудит мақсадларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича тушунтиришлар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказилаётганда таҳлил ва баҳолаш учун мўлжалланган масалалар кўламини қисқартиришга, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид мақсадларга тегишли бўлган маълумот ва ҳужжатларни яшириш (чеклаш)га қаратилган олдиндан кўзланган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказилаётган ташкилот томонидан зарур бўлган ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса ёки аудит ташкил этиш учун зарур бўлган шароитлар таъминланмаса аудитор ташкилоти аудит ўтказишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

8. Аудитор ташкилоти қўйидагиларга мажбур:

текширилаётган ташкилотга аудит бошланишидан олдин аудитор ташкилотининг қонунчиликда белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш талабларига мувофиқлиги бўйича расмийлаштирилган асосни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ҳисоботида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ёритиш;

ўтказилган меҳнатни муҳофаза қилиш аудитлари ҳисоботлари ва хулосаларининг камида беш йил муддатда сақланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг сўровига асосан рейтинг баҳолаш мақсадларида ўтказилган меҳнатни муҳофаза қилиш аудитлари бўйича маълумотларни тақдим этиш;

текширилаётган ташкилот сўровига асосан текширилаётган ташкилотда

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати бўйича аниқланган камчиликларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига асосланганлиги бўйича маълумотларни тақдим этиш.

2-боб. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини режалаштириш ва ўтказиш

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ташкилот қарори билан аудитор ташкилоти билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити бешта асосий босқичдан иборат бўлади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказилишини режалаштириш;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш;

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижаларини расмийлаштириш;

ўтказилган меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижалари асосида камчиликларни бартараф этувчи ва уларнинг олдини олувчи ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

камчиликларни бартараф этувчи ва уларнинг олдини олувчи ҳаракатларни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш.

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказишни режалаштириш аудит ташкилоти томонидан меҳнатни муҳофаза қилишни аудит қилишга қадар ишлаб чиқиладиган аудит режаси қуйидагиларни назарда тутати:

меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш мақсадлари;

аудит ўтказиш сабабларини кўрсатиш (ташкилий ўзгаришлар, меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари бузилиши ҳолатларининг аниқланганлиги, жорий текшириш ва назорат, содир бўлган авария, келишмовчиликлар ва бахтсиз ходисалар, бошқа сабаблар);

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити меъёрлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи ҳужжатлар;

аудит ўтказиш соҳаси (фаолият турлари ва соҳалари рўйхати);

аудит ўтказиш санаси ва жойи;

аудит графиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиётган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси масъул ходими (кейинги ўринларда аудитор деб аталади) ёки аудитор гуруҳи (агар аудит ўтказиш бўйича гуруҳ ташкил этилса) мажбуриятлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити режаси ўз ичига ташкилотда аудит ўтказиш жараёнига оид бошқа маълумотларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити режасига аудит ўтказиш давомида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

12. Меҳнатни муҳофаза қилиш режаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси раҳбари томонидан имзоланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити режаси текшириладиган ташкилот раҳбарига меҳнатни муҳофаза қилиш аудити бошланишидан олдин тақдим этилади ва у томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

13. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги масалаларини комплекс тарзда кўриб чиқиш фақат тасдиқланган аудит режаси доирасида амалга оширилиши мумкин.

14. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш қуйидагиларни ўрганишни назарда тутди:

меҳнатни муҳофаза қилиш аудитининг мақсадлари, соҳаси ва меъёрларига оид маълумотлар, шу жумладан таркибий бўлимлар фаолияти ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид маълумотлар;

ишлаб чиқариш жараёнлари ва ҳужжатларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

амалдаги жараёнлар тартиби ва расмийлаштирилган ҳужжатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, шунингдек ташкилотда мавжуд бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига оид ҳужжатларга мувофиқлиги;

текшириладиган ташкилотнинг ташкилий тузилмаси;

маъмурий ва иш тартиблари, инсон ва моддий ресурслар, асбоб-ускуналар;

участкалар, операция ва ишлаб чиқариш жараёнлари ишчилари;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш жараёнлари (уларнинг белгилаб қўйилган хавфсизлик талабларига мувофиқлиги);

хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлатиладиган техник мосламаларнинг зарур бўлган синов ва техник текширувларини ўтказишни ташкиллаштириш;

назорат-ўлчов воситаларининг таъмирланиши ва текширилишини ташкиллаштириш;

энергетика хўжалиги объектлари;

технологик экспертиза талабларига мувофиқлик;

ҳисоботларни расмийлаштириш, маълумотларни рўйхатга олиш ва сақлаш тартиблари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги тартиб ва бошқа ҳужжатларнинг келишилганлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити режасида ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш соҳасида кўзда тутилган бошқа йўналишлар.

15. Аудит натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар меҳнатни муҳофаза қилиш аудити мезонлари билан мувофиқ келиши ёки келмаслигини аниқлаш ҳамда тегишли хулосаларни чиқариш мақсадида солиштирилади.

16. Аудит мобайнида аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш мезонларига мувофиқлик фактлари бўйича аудит амалга оширилган жой, бўлимлар ёки жараёнлар кўрсатилган ҳолда умумлаштирилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрларига мувофиқлик тўғрисида ташкилотда ўтказилган аудитнинг барча хулосалари ва унинг далиллари назорат варақларига ёзилиши лозим.

17. Тоифаларни аниқлашда: аудитор (аудит бўйича гуруҳ аъзолари) уларни алоҳида ҳолатлар бўйича тизимли хатолар ҳамда талабларга риоя этмаслик ҳолатлари бўйича таснифлайди. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудитининг номувофиқлик тўғрисидаги хулосалари ва уларга асос бўладиган далиллар ёзма шаклда келтирилиши лозим.

18. Номувофиқликлар муҳим ва муҳим бўлмаган турларга бўлинади.

19. Муҳим номувофиқликларнинг асосий мезонларига қуйидагилар киради:

ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлиги учун йўл қўйиб бўлмайдиган хавфхатарнинг мавжудлиги;

ташкilotнинг ташкилий тузилмасида ўзгартиришлар келтириб чиқарилган, катта моддий харажатлар талаб қиладиган, мутахассисларни узоқ муддатда (икки ойдан ортиқ) тайёрлашни кўзда тутадиган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига жиддий таъсир кўрсатадиган даражада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларидан узоқлашиш.

20. Муҳим бўлмаган номувофиқликларнинг асосий мезонларига қуйидагилар киради:

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган талабларга риоя этмаслик;

ходимларнинг соғлиги ва хавфсизлиги учун йўл қўйиб бўлмайдиган хавфхатарлар ҳисобланмаган, ташкilotнинг ташкилий тузилмасида ўзгартиришлар ва катта моддий харажатлар талаб қилмайдиган ҳамда аудит гуруҳининг фаолияти мобайнида бартараф этиш мумкин бўлган, белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими талабларидан узоқлашиш бўйича номувофиқликлар.

21. Муҳим ва муҳим бўлмаган номувофиқликлар, номувофиқлик протоколларида қайд этилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан солиштирилади.

Номувофиқлик протоколлари аниқланган ҳар бир номувофиқлик бўйича алоҳида тузилади.

22. Номувофиқлик протоколлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

текширилаётган ташкilot таркибий бўлимининг номи ёки мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига қўйиладиган талаблар, шунингдек жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа ички норматив ҳужжатлар асосида белгиланган талаблар;

номувофикликни белгилаш ва унинг тоифаси;
мувофиқлаштирувчи ҳаракатнинг мазмуни ва уни ўтказиш муддатлари;

мувофиқлаштирувчи ҳаракат ўтказилганлиги ҳақида белги (мавжуд бўлса);

ташкилот раҳбарининг ва аудитор гуруҳи раҳбарининг имзолари.

23. Номувофиклик протоколи аудитор (аудитор гуруҳи раҳбари) ва ташкилот раҳбари ёки ташкилот раҳбарининг вакили, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлашига масъул билан биргаликда кўриб чиқиши лозим.

3-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижаларини расмийлаштириш

24. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижалари бўйича ҳисобот тузиш билан аудит қилиш давомида йиғилган хулосалар ва маълумотлар, аудит мақсадларига мувофиқлиги текширилади.

25. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш аудити бўйича ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аудит мақсади;

аудит соҳаси;

текширилаётган ташкилотнинг номланиши ва унинг реквизитлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчисининг номи;

ҳисобот тузилган сана;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити мезонлари;

аудитор ҳақида маълумот (аудит гуруҳи аъзолари);

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидаги таҳлил қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига оид ҳужжатларнинг таҳлили натижалари;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимига оид ҳужжатлардаги камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижалари;

ташкилот томонидан аудит натижасида аниқланган номувофиқликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирувчи чора-тадбирлар;

ҳисобот тақдим этиладиган ташкилотлар рўйхати;

ҳисоботдаги мавжуд маълумотларнинг махфийлигини кўрсатиш.

26. Ҳисобот аудитор (аудит гуруҳининг раҳбари) томонидан имзоланади ва текширилаётган ташкилот раҳбариятига тақдим этилади.

27. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити натижалари ва ишлаб чиқилган ҳисоботларни инobatга олган ҳолда далолатнома

тузилади ҳамда аудитор томонидан имзоланади (аудит гуруҳининг раҳбари томонидан) ва текшириладиган ташкилот раҳбариятига тақдим этилади.

28. Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижалари бўйича далолатнома меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудит мезонларига мувофиқлик тоифалари баҳоланишини ўз ичига олади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижалари бўйича далолатнома аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, ишлаб чиқаришдаги жароҳатдан ва касбий касалланишдан огоҳлантирувчи таклиф ва тавсияларни ўз ичига олиши шарт.

29. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш аудити натижаларида қуйидаги хулосалар бўлиши мумкин:

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа ички норматив ҳужжатлар асосида ўтказиладиган аудит талабларига мувофиқ;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа ички норматив ҳужжатлар асосида ўтказиладиган аудит талабларига мувофиқ эмас;

30. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳисобланади, агар:

нормувофиқлик мавжуд бўлмаса;

аниқланганидан бошлаб икки ой давомида бартараф этиш мумкин бўлган, унчалик аҳамиятли бўлмаган нормувофиқлик бўлса;

31. Агар, ҳеч бўлмаганда битта, икки ой давомида бартараф қилиш мумкин бўлмаган аҳамиятли нормувофиқлик аниқланса, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига нормувофиқ ҳисобланади.

32. Далолатномага шунингдек, аудитор (аудитор гуруҳи раҳбари) ва текшириладиган корхона ўртасида келишувга эришилмаган барча саволлар, томонларнинг ёзма шаклдаги фикрларининг баёнлари билан кирилади.

33. Далолатнома ва нормувофиқлик протоколи уч нусхада тузилади ва текшириладиган ташкилотда, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчисида сақланади ҳамда бир нусхаси текшириш якунлангандан сўнг 10 кун мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат бош бошқармалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияларига юборилади.

4-боб. Мувофиқлаштирувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

34. Текширилаётган ташкилот, далолатнома ва номувофиқлик протоколида кўрсатилган аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда мувофиқлаштирувчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатларни ишлаб чиқиши шарт.

35. Номувофиқликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган мувофиқлаштирувчи ҳаракатлар якунлари бўйича текширилаётган ташкилот, аудитор ташкилотига номувофиқликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

36. Аудитор ташкилоти тақдим этилган маълумотни жойига бориб ўрганади ва ўрганиш якунлари юзасидан номувофиқликларни бартараф этиш натижалари бўйича хулоса тузади.

Номувофиқликларни бартараф этиш натижалари бўйича хулоса уч нусхада тузилади ва текширилаётган ташкилотда, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчисидан сақланади ҳамда бир нусхаси текшириш якунлангандан сўнг 10 кун мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат бош бошқармалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияларига юборилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

37. Ташкилотлар ички аудитни мустақил равишда идоравий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширишлари мумкин.

38. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида аудит ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ташкилот	Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ўтказиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этади.	Ташкилот хоҳишига кўра
2-босқич	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари	1. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади. 2. Ўтказилган аудит натижаларига кўра далолатнома ва номувофиклик протоколини тузади ва ташкилотга беради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Меҳнат бош бошқармалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияларига юборилади.	Шартномада белгиланган муддатларга мувофиқ
3-босқич	Ташкилот	1. Далолатнома ва номувофиклик протоколида кўрсатилган номувофикликларни бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирувчи ҳаракатни ишлаб чиқади ва амалга оширади. 2. Аудитор ташкилотига номувофикликларни бартараф этиш бўйича қўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.	6 ой мобайнида
4-босқич	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари	1. Тақдим этилган маълумотни жойинга чиқиб ўрганади ва ўрганиш якунларига кўра номувофикликларни бартараф этиш натижалари бўйича хулоса тузади 2. Хулоса Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Меҳнат бош бошқармалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияларига юборилади.	Маълумотни олгандан сўнг 1 ой мобайнида Текшириш якунлангандан сўнг 10 кун мобайнида
5-босқич	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси	1. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ўтказиш давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини ўрганади (зарур бўлганда). 2. Ташкилотларни меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўтказиладиган режали текширишлар рўйхатига киритмайди.	Маълумотни олгандан сўнг 1 ой мобайнида Кейинги уч йил мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва
малака ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билим ва кўникмаларни, касбий маҳоратни тизимли равишда янгилаб бориш ва чуқурлаштиришни таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис — меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходими ёхуд қонунчиликда белгиланган ҳолатларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларини амалга оширадиган шахс;

3. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

Ташкилотлар раҳбарлари қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича курсларда малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишларини таъминлашлари шарт, ўқиш вақтида уларнинг ўртача иш ҳақлари сақланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишларига ҳар бир иш берувчи қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси шунингдек жамоат келишувлари ёки бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда етарли маблағлар ажратади.

Ходимлар ушбу мақсадлар учун харажат қилмайдилар.

**2-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака
ошириш**

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака ошириш:
ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари ва мутахассислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг бевосита мазкур хизматлар билан шуғулланувчи ходимлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан фойдаланиладиган аккредитация қилинган синов лабораториялари раҳбарлари;

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмалари (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) билан келишилган ҳолда иш берувчилар томонидан аниқланган меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга жавобгар раҳбарлар ва мутахассислар. Бундай лавозимлар бўйича шакллантирилган рўйхатга ташкilotларнинг муҳандис-техник ходимлари, шу жумладан, бош муҳандис, бош энергетик, бош механик, цехлар бошлиқлари, шунингдек зарарли ва хавфли иш шароитлари мавжуд ишлаб чиқаришлар усталари киритилиши шарт;

давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертлари, касаба уюшмаси ташкilotларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари учун мажбурийдир.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган малака оширишдан қуйидагилар ўтказилади:

ташкilotларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари ва мутахассислари;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг бевосита мазкур хизматлар билан шуғулланувчи ходимлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан фойдаланиладиган аккредитация қилинган синов лабораториялари раҳбарлари.

Давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш курсларидан ўтган шахсларга малака ошириш курсларидан ўтгандан кейин бир йилгача меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонлари топшириш ҳуқуқи берилади.

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давомийлиги 36 академик соатдан кам бўлмаган малака ошириш курслари қуйидагилар учун ўтказилади:

иш берувчилар томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга жавобгар раҳбарлар ва мутахассислар;

давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертлари, касаба уюшмаси ташкilotларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари.

8. Иш берувчининг хоҳишига кўра меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш қуйидагилар учун ўтказилиши мумкин:

ташкilotлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар юкланган масъул ходимлар;

касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахслар;

малака ошириши зарурлиги аниқланган бошқа шахслар.

Мазкур бандда келтирилган тоифадаги шахслар учун малака ошириш курсларининг давомийлиги 18 академик соатдан кам бўлмаслиги керак.

9. Давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертлари, касаба уюшмаси ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари ҳар йили малака оширишдан ўтишлари шарт.

Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг бевосита мазкур хизматлар билан шуғулланувчи ходимлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан фойдаланиладиган аккредитация қилинган синов лабораториялари раҳбарлари уч йилда камида бир марта малака ошириш курсларидан ўтадилар.

Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари мутахассислари, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва касаба уюшмалари (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) билан келишилган ҳолда иш берувчилар томонидан аниқланган меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга жавобгар раҳбарлари ва мутахассислари беш йилда камида бир марта меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака оширишдан ўтишлари шарт.

10. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича касбий билимлари етарли бўлмаган ходимлар аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги мазкур ходимларнинг ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган муддатлар ўтмасдан ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш курсларидан мажбурий ўтишлари юзасидан қарор қабул қилишга ҳақли.

3-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш

11. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлашнинг мақсади билим олиш, ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси амалиётида билим ва кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва хавфсиз технологик жараёнларни ташкил этишдан иборат.

12. Иш берувчининг буйруғи билан меҳнатни муҳофаза қилиш вазифаси юкланган, техник йўналишдаги олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълимига эга бўлмаган раҳбарлар (ёки уларнинг ўринбосарлари), шунингдек ташкилот ходимлари 288 академик соатдан кам бўлмаган ҳажмдаги ўқув курсларида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёргарликдан ўтадилар.

Бунда, бир ҳафталик ўқув юкласи барча турдаги, шу жумладан аудиторияда ва аудиториядан ташқари (мустақил) ўқув ишлари билан биргаликда

54 академик соатдан ортиқ миқдорда белгиланади. Аудитория ишлари бир ҳафтада 36 академик соатдан ошмаслиги керак.

Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш вазифаси юклангандан кейин олти ой ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қайта тайёргарликдан ўтилиши шарт.

4-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш

13. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг Ягона реестрига «меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» хизмат тури бўйича киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари (кейинги ўринларда таълим ташкилоти деб аталади) ҳамда Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш Илмий маркази (кейинги ўринларда Илмий марказ деб аталади) томонидан амалга оширилади.

14. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислик малака сертификатини олувчи номзодлар, давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертлари, касаба уюшмаси ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари Илмий марказда малака оширишдан ўтадилар.

15. Илмий марказ ташкилотлар ходимларининг ўқитиш бўйича талабни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиши мумкин.

Таълим ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўқув жараёнлари олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган иш берувчиларнинг ҳудудида ҳам ташкил этиши мумкин.

16. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишдан ажралган ҳолда ёки қисман ажралган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

17. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари якунида, олинган билимларни текшириш бўйича уч кишидан кам бўлмаган таркибда имтиҳондан ўтказиш комиссияси тузилади.

Имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги вакиллари киритилиши мумкин.

Курс якуни бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда: меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака оширганларга мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда Давлат намунасида сертификат;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлашдан ўтганларга маз-

кур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклда Давлат намунасида диплом берилади.

18. Таълим ташкилотлари ўқув курси якуни бўйича протокол расмийлаштирилгандан кейин 10 календарь кун ичида ўқув курсдан ўтганлар бўйича тўлиқ маълумотларни Илмий марказга юборади.

Илмий марказ меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган шахслар бўйича тўлиқ маълумотларни, таълим ташкилотлари бўйича ҳар ойда, жорий ойнинг 10-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига киритади.

5-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларига бўлган талаблар

19. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув дастурлари ва ўқув-тематик режалар асосида ўтказилади (кейинги ўринларда Таълим дастурлари деб аталади).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Таълим дастурлари Илмий марказ томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Таълим дастурлари, заруратга кўра, камида уч йилда бир марта янгилаб борилади.

20. Таълим дастурлари тингловчиларнинг амалий эҳтиёжларини ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Таълим дастурлари алоҳида-алоҳида, ҳар хил соҳалар бўйича, уларнинг ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаменти дастурлари асосий (мажбурий) ва қўшимча (ихтиёрий) ўқув модулларига ажратилган ҳолда алоҳида ўқув модулларига бўлинади.

21. Таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишларни амалга оширадиган мутахассисларга қўйиладиган профессионал касбий малака талабларига мувофиқ бўлиши;

олий таълим давлат стандартларига нисбатан изчил кетма-кетликда бўлиши;

замонавий таълим технологияси ва ўқув воситаларига мўлжалланган бўлиши;

дастур мазмуни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган касбий фаолиятга мувофиқ бўлиши керак.

22. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини

ошириш ва қайта тайёрлаш таълим дастурлари назорат тадбирларини назарда тутиши шарт, жумладан:

тингловчиларни тест синовидан ўтказиш;

ҳажми 25 варақдан (шрифт — 14, интервал — 1,5) кам бўлмаган малака иши (реферат) тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

имтиҳон топшириш.

23. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув юкнамаларни режалаштиришда уларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

24. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган тингловчилар Таълим дастурларини ўзлаштириш натижаларига кўра қуйидаги касбий билимларга эга бўлишлари керак:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар талаблари;

ташкilotларда ишлаб чиқиладиган, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият олиб боришини таъминлайдиган локал норматив ҳужжатлар рўйхати;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан огоҳлантириш бўйича профилактика ишларини ўтказиш шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўлланиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш услублари, ишлаб чиқариш ва касб касаллигига чалиниш, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича аниқланган номувофиқликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни бажариш;

ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш ҳажмлари бўйича эҳтиёжларни аниқлаш;

шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларининг класслари, турлари ва асосий хусусиятларини, ҳимоя воситаларига ҳамда улардан фойдаланишга ва сақлашга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг созлиги ва аҳолини баҳолашнинг мезонлари;

касб касалликлари турлари ва касбий хавфларни бошқариш усуллари;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ва ҳисобга олишда шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳатланганларнинг суғуртасини таъминлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхати;

иш берувчининг меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вазифа ва мақсадларини шакллантириш асослари;

иш берувчи фаолиятининг хусусиятини инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-гигиена осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари;

зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга белгиланган компенсация турлари ва миқдори, уларни бериш шартлари ва тартиби;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун жавобгарлик (интизомий, маъмурий, фуқаровий-хуқуқий, жиноий) ва жавобгарликка тортиш тартиби;

технологик жараёнларнинг асослари, машиналар, қурилмалар ва ускуналарнинг вазифалари, иш берувчининг фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда хомашё ва материалларни қўллаш;

технологиялар, ускуналар, машиналар ва мосламаларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўйиладиган асосий талаблар, шунингдек уларни қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб чиқариш объектларини назорат қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар рўйхати;

ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва хавfli омиллари, уларнинг манбалари ва хусусиятлари, уларнинг классификацияси;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини режалаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг натижаларини ва бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш.

25. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ўтаган, таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган шахслар қуйидаги билимларга эга бўлишлари шарт:

конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича самарали иш тизимини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг барча жараёнларини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимига тузатишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

жамоа келишуви, жамоа шартномаси ва ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш қисмини ишлаб чиқиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимлар ўртасида ваколатлар ва мажбуриятларни тақсимлаш;

ходимларга ишлаб чиқаришда жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш услуб ва усулларини ўргатиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар, ходимларни хавфсиз меҳнат усулларига ўқитиш дастурларини, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инструктажлар ўтказиш ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширишни таъминлаш;

касбий хавфларни баҳолаш орқали корхоналарда ташкил этилган меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ва ҳақиқий шароитларни таҳлил қилиш;

иш берувчига меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари масалалари бўйича ҳисобот (шу жумладан статистика) ҳужжатларини тайёрлаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш бўйича комиссия ишини ташкил қилиш, тақдим этилган материал-

лар асосида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиги ҳолатини ўрганиш;

иш жойларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналардан фойдаланишда жароҳатланиш жихатидан хавфлилиги бўйича аттестация комиссияси ишини ташкил этиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш-профилактик хизмат кўрсатиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, ходимларга санитария-маиший хизмат кўрсатиш талабларини ишлаб чиқиш;

ходимларнинг хавфсиз ишлаш даражасини яхшилаш, меҳнат шароитларининг яхшиланишидан манфаатдорликлари даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш, шунингдек ходимларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш режимини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ходимларни меҳнат шароитлари ва иш жойларидаги меҳнат муҳофазаси, соғлиғига етказиладиган жароҳатлар хавфлари, тақдим этиладиган компенсациялар ва кафолатлар бўйича атрофлича маълумотлар билан таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари масалалари бўйича ходимларнинг вакиллик органлари билан ишларни ташкил этиш.

6-боб. Яқунловчи қоида

26. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг ўз вақтида малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш учун иш берувчи жавоб беради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида
малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака
ошириш ва қайта тайёрлаш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Ташкилот	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтишга ходимларни жўнатади.	Низомга мувофиқ белгиланган мuddатларда
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш хизмати кўрсатувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчилари	1. Мазкур Низом талабларига асосан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўтказишни таъминлайди. 2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (имтиҳонларни муваффақиятли топширган) мутахассисларга белгиланган намунада малака оширганлик ҳақида сертификат ёки қайта тайёрловдан ўтганлик ҳақида диплом беради.	Низомга мувофиқ белгиланган мuddатларда
3-босқич	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малака оширганлик ҳақида сертификат ёки қайта тайёрловдан ўтганлик дипломини олган ходим	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малакани оширганлик ҳақида сертификат ёки қайта тайёрловдан ўтганлик дипломи мажбурий талаб этиладиган лавозимларда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.	ушбу Низомда белгиланган мuddатларга мувофиқ 1 йилдан 5 йилгача

17 (777)-сон

— 221 —

305-модда

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида
малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвири

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака
оширганлик ҳақида
СЕРТИФИКАТ**

ПК № 0000000

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача

_____ (малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасасининг номи)

_____ (ходимларни малакасини ошириш дастурининг номи)

дастур бўйича _____соат ҳажмида малака ошириш курсидан ўтди:

_____ (Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш бўйича дастурининг номи)

Мухр ўрни:

Имтиҳон комиссияси раиси _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Таълим муассасаси раҳбари _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Шаҳар (туман) _____ Сана _____

Рўйхатдан ўтиш рақами № _____

305-модда

— 222 —

17 (777)-сон

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида
малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Герби тасвири

**Мутахассисни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида
тайёрлаш ҳақида
ДИПЛОМ**

ПС № 0000000

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача

_____ (малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасасининг номи)

_____ (мутахассисни қайта тайёрлаш дастурининг номи)

бўйича _____ соат ҳажмида меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислиги
курсидан ўтди: _____

_____ (Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш бўйича дастурининг номи)

мавзусидаги малака ишини «__» баҳога ҳимоя қилди ва имтиҳон комиссия-
си қарорига асосан унга _____

_____ (касб, лавозим номи)

лавозимида ишлаш ҳуқуқи берилди.

Мухр ўрни:

Имтиҳон комиссияси раиси _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Таълим муассасаси раҳбари _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Шаҳар (туман) _____ Сана _____

Рўйхатдан ўтиш рақами № _____

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Меҳнат шaroитларини давлат экспертизасидан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-бoб. Умумий қoидaлар

1. Мазкур Низом «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ташкилотларда меҳнат шaroитларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартибини ва уни ўтказиш талабларни белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

меҳнат шaroитларининг давлат экспертизаси (кейинги ўринларда давлат экспертизаси деб аталади) — экспертиза объектларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

меҳнат шaroитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органи — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари экспертизаси бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари экспертизаси давлат инспекциялари;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

меҳнат шaroитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси — меҳнат шaroитларининг, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жихатидан хавфлилигини техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омилини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техникавий ва бошқа воситалар;

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник ва бошқа воситалар;

аттестациядан ўтказувчи ташкилот — «иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация ўтказиш» хизмат тури бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг Ягона реестрига киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат бозорининг профессионал иштирокчиси.

3. Давлат экспертизаси:

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш сифатини;

ходимларга зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларидаги иши учун кафолатлар ва компенсациялар берилишининг тўғрилигини;

ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолаш мақсадида амалга оширилади.

4. Давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари (кейинги ўринларда давлат эксперти деб аталади) томонидан, мазкур Низом билан тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

5. Давлат экспертизаси:

ходимларнинг умумий сони 100 кишидан кам бўлган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг давлат экспертлари томонидан;

ходимларнинг умумий сони 100 ва ундан кўп киши бўлган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг давлат экспертлари томонидан амалга оширилади.

6. Қуйидагиларни баҳолаш давлат экспертизасининг объекти ҳисобланади:

ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг омиллари, иш ўринларининг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилиги;

ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги;

иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари ва хулосаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

меҳнат шароитлари хавфли ва (ёки) зарарли ишлар, оғир ишлар учун ходимларга берилаётган компенсациялар ва кафолатларнинг белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги;

иш ўринларидаги меҳнат шароитларининг ҳақиқий ҳолати.

7. Давлат экспертизасини ўтказиш учун:

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш сифатини баҳолашда — ўтказилган меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг аттестацияси натижалари юзасидан аттестация ўтказувчи ташкилотларнинг;

меҳнатнинг зарарли ва (ёки) хавфли шароитларида ишлашда ҳамда иш ўрнидаги ҳақиқий меҳнат шароитларида ходимларга компенсация ва кафолатлар тўғри берилаётганлигини баҳолашда — иш берувчилар, иш берувчиларнинг бирлашмалари, касаба уюшмаларининг (ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг) мурожаатлари асос бўлади.

Меҳнат вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига давлат назорати ва текшируви органларининг, шунингдек судлар мурожаат қилган ҳолатларида давлат экспертизаси ўтказилиши мумкин.

8. Давлат экспертизаси ўтказилишида давлат экспертизаси органлари қуйидагиларга мажбур:

конунчилик талабларига амал қилиш;

экспертизага тақдим қилинган ҳужжатлар ва материалларнинг атрофлича, ҳолисона ва комплекс таҳлилининг амалга ошириш, уларни меҳнатни муҳофаза қилишнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

давлат экспертизасини амалга оширишнинг мазкур Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя этиш, материалларнинг келиб тушиш навбатини ҳисобга олган ҳолда давлат экспертизасини ўтказиш;

давлат экспертизаси объектларининг белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида давлат экспертизаси натижалари бўйича хулосалар тузиш;

давлат экспертизаси хулосаларида ва бошқа ҳужжатларда баён этилган хулосаларнинг ҳолисоналигини ва асосланганлигини таъминлаш;

давлат экспертизасига қабул қилинган ҳужжатларнинг ва бошқа материалларнинг сақланишини ва улардаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

давлат экспертизасини ўтказиш тартиби бўйича манфаатдор шахсларнинг сўрови бўйича бепул тушунтиришлар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари соҳаси бўйича белгиланган муддатларда давлат экспертларининг малакасини ошириш.

9. Меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказишда давлат эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ва текшириш вазифаларини бажариш учун, шунингдек давлат экспертизасини ўтказиш учун зарур ахборотларни ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белги-

ланган тартибда чоралар қўриш ҳақида тақдимномалар киритиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар ва шартларни бузганликда айбдор бўлган шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларидан ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ташкилотларнинг фаолиятини ёки асбоб-ускуналардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иштирок этиш;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган лабораторияларни жалб қилган ҳолда, зарур бўлган ҳолатларда тегишли кузатишлар, ўлчашлар ва ҳисоблашларни амалга ошириш.

Меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Давлат эксперти, агар экспертиза натижаларида унинг учун мулкӣ ёки бошқа шахсий манфаат мавжуд бўлса, жумладан, агар давлат экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни тайёрлашда унинг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), ака-ука, опа-сингил, болалар) иштирок этган бўлса, давлат экспертизасида иштирок этишга ҳақли эмас.

11. Мурожаат этувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида давлат экспертизаси органларидан тушунтириш олиш;

давлат экспертизаси ўтказилишида мазкур Низом талабларининг бузилишини бартараф этиш талаби билан давлат экспертига (давлат экспертизаси органига) мурожаат этиш;

давлат экспертизаси билан боғлиқ саволлар бўйича оғзаки ёки ёзма шаклда тушунтириш, эътироз ва таклифларни тақдим этиш.

12. Меҳнат шароитлари бўйича ўтказилган аттестациянинг сифатини баҳолаш юзасидан бир иш ўрнини давлат экспертизасидан ўтказиш учун тўлов Меҳнат вазирлиги томонидан, хизмат кўрсатиш бўйича ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ходимларга зарарли ва (ёки) хавfli меҳнат шароитларидаги иши учун кафолатлар ва компенсациялар берилишининг тўғрилигини, шунингдек ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолаш юзасидан давлат экспертизасини ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

Давлат назорати ва текшируви органлари, шунингдек судларнинг мурожаатлари бўйича давлат экспертизасини ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

2-боб. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш сифатини баҳолаш юзасидан давлат экспертизаси ўтказиш тартиби

13. Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларни аттестациядан ўтказилиши сифатини баҳолаш юзасидан давлат экспертизаси аттестация ўтказувчи ташкилотларнинг муружаатлари бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Аттестация ўтказувчи ташкилот ариза ва ташкилотлар бўйича меҳнат шароитлари аттестацияси материалларини, ходимларнинг умумий сони:

100 кишидан кам бўлса — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли ҳудудий органларига;

100 киши ва ундан кўп бўлса — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказига (кейинги ўринларда Илмий марказ деб аталади) юборади.

15. Аризада:

аттестация ўтказувчи ташкилотнинг тўлиқ номи;

почта манзили ва электрон почта манзили;

иш ўринлари аттестациядан ўтказилган ташкилот ҳақидаги маълумотлар (ташкилотнинг тўлиқ номи, почта манзили, СТИР, ИФУТ коди, МҲОБТ коди, ташкилот ходимларининг умумий сони, меҳнат шароитлари бўйича аттестация ўтказилиши лозим бўлган иш ўринларининг сони) кўрсатилади.

16. Аттестация ўтказувчи ташкилот томонидан аризага:

иш ўринларининг меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тузилган қоғоз ва электрон форматдаги аттестация ҳисоботи;

илгари ўтказилган экспертизалар тўғрисида маълумотлар (мавжуд бўлса);

иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш сифатини баҳолаш юзасидан давлат экспертизаси учун тўлов қитанциясининг нусхаси илова қилинади.

17. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш сифатини баҳолаш юзасидан давлат экспертизаси учун тўлов, мазкур Низомнинг 14-моддасига мувофиқ, Бандликка кўмаклашиш фондига ёки Илмий марказга тўланади.

18. Давлат экспертизасини ўтказишда қуйидагилар текширилади:

иш ўринлари аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган рўйхатда кўрсатилган иш ўринлари (касблар, лавозимлар) номланишининг хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификаторига, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларига мослиги;

аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган иш ўринларига такрорланмайдиган тартиб рақамларининг тўғри берилганлиги;

инструментал ўлчовларни ўтказиш услубларининг тўғри танланганлиги;

ўхшаш иш ўринларининг тўғри таснифланганлиги (бундай иш ўринлари бўлса);

меҳнат шароитларини махсус баҳолаш жараёнида фойдаланилган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнидаги зарарли ва (ёки) хавfli омилларни ўлчаш воситаларининг белгиланган талабларга мослиги;

иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш давомида фойдаланилган ўлчаш воситаларининг Давлат реестри рўйхатида мавжудлиги;

иш ўринларини аттестациядан ўтказиш давомида ўлчаш воситаларининг қиёсловдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги;

иш ўринларини аттестациядан ўтказиш услублари ва хулосаларининг қонунчиликда белгиланган иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби талабларига мувофиқлиги;

меҳнат шароитларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва максимал рухсат этилган концентрацияларга (МРК) ва максимал рухсат этилган (МРД) даражаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари класслари (даражалари)нинг тўғри белгиланганлиги;

иш ўринларининг жароҳатлаш хавfliлигини баҳолаш натижаларига асосан иш ўринларидаги меҳнат шароитларининг жароҳатлаш хавfliлиги бўйича классларнинг (даражаларнинг) тўғри белгиланганлиги;

ходимларнинг якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан тўғри таъминланганлиги, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлик даражасининг белгиланган меъёрларга мувофиқлиги;

иш ўринларининг аттестацияси натижаларига кўра белгиланган зарарли ва (ёки) хавfli шароитларда ишлаш учун имтиёз ва компенсациялар, имтиёзли пенсия таъминотини олиш ҳуқуқининг, шунингдек тиббий кўриқдан ўтказиш заруратининг тўғрилиги;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавfliлиги юзасидан ўтказилган аттестация натижаларининг йиғма қайдномалардаги меҳнат шароитлари хариталаридаги маълумотларга мослиги ва уларнинг тўғри тўлдирилганлиги;

иш ўринларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тавсия этилган тадбирлар режасининг тўғри тўлдирилганлиги ва маълумотларнинг меҳнат шароитлари хариталаридаги маълумотлар билан мувофиқлиги.

19. Илмий марказ 15 календарь кунидан кўп бўлмаган муддатда ходимларининг умумий сони 100 киши ва ундан кўп бўлган ташкилотлар бўйича мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ иш ўринларининг меҳнат шароитлари юзасидан аттестация ўтказиш сифатини ўрганади ва дастлабки баҳони беради.

Илмий марказ меҳнат шароитлари бўйича ўтказилган аттестациянинг дастлабки баҳолаш натижаларига кўра Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ҳисобот шакли бўйича далолатнома тузади ва Меҳнат вазирлигининг давлат экспертизаси органига тегишли ҳужжатлар билан қўшиб жўнади.

Илмий марказ «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида белгиланган, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни кўрсатишга ҳақли эмас, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатиш бундан мустасно.

20. Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперти томонидан, Илмий марказ тузган дастлабки баҳолаш далолатномаси ва тақдим этилган ҳужжатлар ҳисобга олиниб, иш ўринларини меҳнат шароитлари юзасидан ўтказилган аттестациялаш сифати бўйича 10 календарь кундан кўп бўлмаган муддатда Давлат экспертизаси ўтказилади.

21. Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш сифатини Давлат экспертизасидан ўтказиш ва хулоса бериш (ёки қайта ишлашга қайтариш) муддати ариза рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 25 календарь кундан ошмаслиги шарт.

Агар белгиланган муддатларда давлат экспертизасини ўтказиш имконияти бўлмаса, муддат Давлат экспертизаси органи раҳбари томонидан, аризачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, кўпи билан беш иш кунига узайтирилиши мумкин.

22. Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш сифати бўйича Давлат экспертизасини ўтказишда давлат экспертлари ва Илмий марказ мутахассислари танлов асосида, жойига (аттестация ўтказилаётган ташкилотга) борган ҳолда аттестация ўтказаётган ташкилот тақдим қилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва ўлчов усулларининг тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Аттестация ўтказётган ташкилот томонидан тақдим қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва ўлчов усулларининг тўғрилиги текшириш жараёнида иш берувчиларга нисбатан чоралар кўрилмайди.

23. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ хулоса берилади ёки иш ўринлари аттестацияси материаллари аниқланган номуносибликларни бартараф этиш учун, рад этиш сабаблари асосланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ нормалари ва муддатлари (10 иш кунидан кам бўлмаган) кўрсатилиб қайтадан ишлаш учун қайтарилади.

Иш ўринлари аттестацияси материалларини қайта ишлаш учун қайтариш хабарномасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетгандан кейин топширилган аризалар янгидан топширилган деб ҳисобланади ва улар умумий асосларда кўриб чиқилади.

24. Агар мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган муддатларда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш сифатининг давлат экспертизасини ўтка-

зиш натижалари бўйича аттестация ўтказувчи ташкилотга хулоса берилмаган ёки иш ўринлари юзасидан аттестация материаллари камчиликларни бартараф этишга қайтарилмаган ёки кўриб чиқиш муддатлари узайтирилганлиги ҳақида ёзма хабарнома йўлланмаган бўлса аттестация ўтказувчи ташкилот давлат экспертизаси органлари томонидан ижобий хулоса олган деб ҳисобланади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ҳолатларда давлат экспертизаси органи аттестациядан ўтказувчи ташкилотга ижобий хулосани уч иш кунни давомида тақдим қилиши лозим.

25. Аттестация ўтказувчи қайтарилган иш ўринларининг аттестация ҳужжатларини қайтариш сабабларини бартараф этгандан сўнг қайта топшириш ҳуқуқига эга. Бунда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш материалларини илгари кўрсатилмаган янги сабабларни кўрсатиб такроран қайтаришга йўл қўйилмайди.

Давлат экспертизасини қайта ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

Давлат экспертизасини қайта ўтказиш 10 календарь кунда амалга оширилади.

Агар рад этиш учун асос бўлган сабаблар аризачи томонидан бартараф этилмаган бўлса ҳужжатлар аризачига қайтарилади.

26. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш материалларини мақсадга мувофиқ эмас деган асос билан Давлат экспертизасидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун ходимларга имтиёз ва кафолатлар тўғри берилганлиги ва ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолашда давлат экспертизасини ўтказиш тартиби

27. Зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун ходимларга имтиёз ва кафолатлар тўғри берилганлигини баҳолашда давлат эксперти ҳисобот ва тақдим қилинган бошқа ҳужжатларни, уларнинг меҳнат қонунчилиги, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий норматив ҳужжатлар, шунингдек тармоқ (ҳудудий) келишувлари ва жамоа шартномаларига (мавжуд бўлса) мувофиқлигини ҳамда зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда банд ишчи (ходимларга) қуйидаги имтиёз ва кафолатларнинг:

давомийлиги қисқартирилган иш ҳафтасини;

ҳар йилги ҳақ тўланадиган қўшимча таътилни;

меҳнатга оширилган миқдорда ҳақ тўланишини;

меҳнат қонунчилиги, тармоқ (тармоқлараро) келишувлар, жамоа шартномаларида ва иш берувчининг маҳаллий норматив ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёз ва кафолатларнинг берилиши ҳажми ва тартибини таҳлил қилади.

28. Ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитлари давлат экспертизасини

амалга ошириш учун аризачи томонидан давлат экспертизасини ўтказиш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларини ўлчаш ва ўрганиш (синаш) натижаларини камраб олувчи иш ўринларини меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳисоботи ёки бошқа ҳужжатлар;

жамоа шартномаси (мавжуд бўлса), меҳнат шартномаси (меҳнат шартномалари), ходимнинг (ходимларнинг) меҳнат шароитларини меҳнат шароитларини, жумладан меҳнат ва дам олиш режимларини белгиловчи маҳаллий норматив ҳужжатлар.

29. Ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини давлат экспертизасини ўтказишда давлат эксперти:

бинолар, иншоотлар, ускуналар, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоблар, хомашё ва материаллар, шунингдек ходимларнинг иш ўринларидаги яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситаларининг техникавий ҳолатини;

ходимларга санитария-маиший ва даволаш-профилактика хизматларини кўрсатиш ҳолатини;

ўрнатилган меҳнат ва дам олиш режимларини;

иш ўринларида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва (ёки) хавфли омиллари мавжудлигини аниқлаш бўйича амалга оширилган ишларни;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, маҳаллий норматив ҳужжатларни меҳнат қонунчилиги талабларига, шунингдек тармоқ (ҳудудий) келишувлар ва жамоа шартномаларига (мавжуд бўлса) мувофиқлигини кетма-кет текширади.

30. Иш берувчи билан келишилган ҳолда давлат эксперти керакли маълумотларни олиш учун текширилаётган иш ўрнини (иш ўринларни) жойига бориб кўриш ҳуқуқига эга.

31. Ҳақиқий меҳнат шароитларини ва зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлагани учун ходимларга имтиёз ва кафолатлар тўғри берилганлигини давлат экспертизасидан ўтказиш натижаларига кўра ушбу Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ хулоса берилади.

32. Ҳақиқий меҳнат шароитларини ҳамда зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида ишлагани учун ходимларга имтиёз ва кафолатлар тўғри берилганлигини давлат экспертизасидан ўтказиш муддати 20 иш кунидан ошмаслиги лозим.

4-боб. Давлат назорати ва текшируви органлари, шунингдек суд органларининг мурожаатлари бўйича давлат экспертизасини ўтказиш тартиби

33. Давлат назорати ва текшируви органлари, шунингдек суд органла-

рининг мурожаатлари бўйича давлат экспертизаси ушбу органларнинг сўровлари бўйича ўтказилади.

Сўровларга қуйидагилар илова қилинади:

ташкilotда иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ҳисоботи ёки иш ўринларида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва (ёки) хавфли омилларини ўлчаш натижаларини қамраб олувчи бошқа ҳужжатлар;

жамоа шартномаси (мавжуд бўлса), меҳнат шартномаси, ходимларнинг меҳнат шароитларини, жумладан ишлаш ва дам олиш режимларини белгилайдиган маҳаллий меъёрий ҳужжатлар.

34. Давлат эксперти меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш учун меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси ўтказилаётган иш ўринлари бўйича зарур ҳужжат ва материалларни иш берувчидан сўраб олишга ҳақли.

Иш берувчи давлат экспертизаси органидан сўровнома келган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмаган муддатда сўралган ҳужжатлар ва материалларни юборади ёки аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда уларни бериш имкони йўқлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

35. Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси ўтказилаётганда давлат эксперти тақдим этилган ҳужжатларни, уларнинг меҳнат қонунчилигига, техникавий тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, маҳаллий норматив ҳужжатларга, шунингдек тармоқ (ҳудудий) келишувлар ва жамоавий шартномаларга (мавжуд бўлса) мувофиқлигини кетма-кет таҳлил қилади.

36. Қонунчиликда белгиланган ҳолатларда давлат экспертизаси ўтказилганда давлат эксперти ўрнатилган тартибда аккредитацияланган лабораторияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини текширади ва ўлчайди.

Давлат экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича ушбу Низомнинг 2, 3-иловаларида келтирилган шакллар бўйича тегишли хулосалар берилади.

**5-боб. Давлат экспертизаси хулосаларини расмийлаштириш,
давлат экспертизаси бланкалари ҳисобини ва давлат
экспертизаси хулосалари реестрини юритиш
бўйича талаблар**

37. Давлат экспертизаси хулосалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг буюртмаси бўйича, Илмий марказнинг маблағи ҳисобидан марказлашган тартибда чиқариладиган, тегишли ҳимоя даражасига эга бўлган махсус бланкаларда расмийлаштирилади.

Давлат экспертизаси хулосаси бланкаси қатъий ҳисоботдаги ҳужжат ҳисобланиб, ҳисобга олиш серияси, рақами ва ҳимоя даражасига эга.

Бланкалар Меҳнат вазирлигининг буюртмаси бўйича матбаа усулида «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

38. Расмийлаштирилган давлат экспертизаси хулосалари бланкалари Давлат экспертизаси хулосалари бланкаларини сарфлаш китобида қайд этилади.

39. Давлат экспертизаси хулосаси бланкаларини сарфлаш китоби рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертизаси органи раҳбари томонидан имзоланган бўлиши зарур.

40. Яроқсиз ҳолга келган давлат экспертизаси хулосалари бланкалари тузилган протокол билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига қайтарилиши керак.

41. Меҳнат вазирлиги томонидан берилган Давлат экспертизаси хулосалари реестри юритилади.

Давлат экспертизаси хулосалари реестрида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ариза топширилган ва давлат экспертизаси хулосаси берилган сана;
иш ўринларида аттестация ўтказилган ташкилот ҳақидаги маълумотлар;

аттестация ўтказувчи ташкилот ҳақидаги маълумотлар;
давлат экспертизаси хулосаси бланкасининг серияси ва ҳисобга олиш тартиб рақами.

42. Реестрга киритилган маълумотлар очиқ маълумотлар ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

43. Давлат экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича келишмовчиликлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Меҳнат шaroитларини давлат
экспертизасидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан
ўтказиш сифатини баҳолаш юзасидан давлат
экспертизасини ўтказиш
СХЕМАСИ**

Бosқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-бosқич	Ташкилот	Иш ўринларни аттестациядан ўтказиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этади, шу жумладан: аттестациядан ўтказилиши мажбурий бўлган иш ўринлари бўйича; бошқа иш ўринлари бўйича.	5 йилда камида 1 марта иш берувчининг хоҳишига кўра
2-бosқич	Меҳнат шaroитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси	1. Қонунчилик талабларига мувофиқ иш ўринларини аттестациядан ўтказади. 2. Мазкур Низом талабларига мувофиқ, аттестация хужжатларини тегишли равишда меҳнат шaroитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органларига ёки Меҳнат вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий марказига юборади.	шартномада кўрсатилган муддатларда
3-бosқич	Меҳнат шaroитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органлари, шунингдек Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази	Давлат экспертизасини ўтказадилар ва натижаси бўйича: эътироз бўлмаса — белгиланган намунадаги хулосани беради; эътироз бўлган тақдирда — хужжатларни қайтадан ишлаш учун қайтаради.	30 календарь кун мобайнида

Меҳнат шaroитларини давлат
экспертизасидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири

**ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ
ХУЛОСАСИ
XX № 00000000**

20__ йил «__» _____

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш материаллари асосида қуйидагилар аниқланди:

1. Иш ўринлари меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказилган ташкилот тўғрисида маълумотлар:

Ташкилотнинг номи				
Юқори турувчи ташкилот				
Юридик манзил				
СТИР	ИФУТ		МХБТ	
Аттестациядан ўтказилган иш ўринлари сони				

2. Аттестациядан ўтказувчи ташкилот тўғрисидаги маълумотлар:

Ташкилот номи				
Юридик манзили				
Синов лабораториясининг аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги аттестатининг рақами ва санаси				
СТИР	ИФУТ		МХБТ	

3. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш давомида мазкур иш тури бўйича амалдаги нормалар ва нормативлардан четга чиқилмаган.

4. Иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилган.

Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroити экспертизаси бошқармаси бошлиғи
(Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари Давлат инспекцияси бошлиғи)

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

305-модда

— 236 —

17 (777)-сон

Меҳнат шaroитлари бўйича
Давлат эксперти

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат
вазирлигининг Республика аҳоли
бандлиги ва меҳнатни муҳофаза
қилиш илмий маркази директори
(ҳодимларнинг умумий сони
100 киши ва ундан кўп бўлган
ташкилотлар бўйича)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Меҳнат шaroитларини давлат
экспертизасидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги
_____сон ХУЛОСА

(ўтказилган экспертизанинг тури кўрсатилади)

20__ йил «__» _____

_____ да

*(иш жойининг номи ёки иш тури, касб, лавозим номи, шунингдек цех, участка,
ишлаб чиқариш ва ташиқлотнинг аниқ номи кўрсатилади)*

_____дан _____гача ўтказилган меҳнат шaroитлари экспертизаси ва тақдим этилган ҳужжатлар (рўйхати илова қилинмоқда) асосида қуйидагилар аниқланди:

1. _____

(тақдим этилган имтиёзлар ва компенсациялар ҳамда уларнинг меҳнат шaroитларига мувофиқлиги, ушбу иш жойида ёки мазкур касб, ишлар тури, лавозими бўйича ходимга белгиланган барча имтиёзлар ва компенсацияларнинг тури ва уларни бериш асоси билан биргаликда)

2. _____

(экспертизанинг мазкур тури бўйича аниқланган амалдаги норма ва нормативлардан оғишлар ёки амалдаги қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари, бузилган қонунчилик ва норматив ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда).

3. Хулоса ва қарорлар: _____

(ўтказилган экспертиза натижалари бўйича тегишли ҳужжатлар асосида меҳнат шaroитлари бўйича хулосалар ва давлат эксперти томонидан қабул қилинган қарорлар баён этилади)

Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroити экспертизаси бошқармаси бошлиғи
(Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари Давлат инспекцияси бошлиғи)

М.Ў.

Меҳнат шaroитлари бўйича
Давлат эксперти

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)